

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АСПИРАНТ, ДОКТОРАНТ ВА ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАЪРУЗАЛАР Тўплами

15-17 МАРТ

I - ҚИСМ

ТОШКЕНТ 2007

# МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Бугунги кунда Узбекистон Республикаси хукумати дон мустохизлиги баркарорлигини таъминлаш борасида илгари сиёсий охиб бормоқда. Бу борда Узбекистон Президентининг 24 март 2003 йили «Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари» туғрисидаги фармони катта вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутиб, Фарисфа қишлоқ хўжалигини муҳим соҳаларидан бири қаторида фалғачиликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Мамлакатимиз гендекорини олиши дон салмогини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Утказилган қишлоқ илгари сиёсий охиб бормоқда. Бу борда Узбекистон Президентининг 24 март 2003 йили «Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари» туғрисидаги фармони катта вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутиб, Фарисфа қишлоқ хўжалигини муҳим соҳаларидан бири қаторида фалғачиликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

## СБОРНИК ДОКЛАДОВ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ АСПИРАНТОВ, ДОКТОРАНТОВ И СОИСКАТЕЛЕЙ

### I ЧАСТЬ

Қаттиқ бугдой навларини республикамизда экиш курук ва иссиқ ҳарорат, фотосинтез радиация йиғиндиси юқори бўлиши натижасида донда оксил, клейковина миқдори, хўш доннинг сифати юқори бўлиши таъминлайди.

Қаттиқ бугдой навлари юқори ҳарорат ва иссиқ ҳароратга нисбатан, қурғоқчиликка, юқори ҳароратга чидамли, сариқ ва қўнғир ранга ва қарақуй касалликлари билан жуда кам касалланади, пишганда боллоқдаги донлари туқилиб қолмайди.

Республикамизнинг сугориладиган ерларида қаттиқ бугдойни кузда экиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Кузда экишда баҳорда экилганга нисбатан кузи – қишқи ва эрта баҳорги иқлимлик шароитлардан тулли фойдаланади ва баҳорда экишга нисбатан серҳосил бўлиб эрта пишди, дони йарик бўлиб, ҳосилдорлик 40 – 50 % гача юқори бўлади. Бундан ташқари, кузда экишан бугдой ҳосилидан бунгадан майдонларга махлаҳ ўхори (дон ва хўш меҳсал, соя, тарик, мош экиб, яншигина ҳосил олиш мумкин). Кузи бугдой етиштиришнинг энг муҳим технологик усулидан бири экиш муудатлари ва меҳёрларини туғри белгилашдир. Самарқанд вилояти шароитида қаттиқ бугдой навларининг энг муҳим муудатлари ва меҳёрлари қарийб ўрганилган. Айниқса, қишлоқ илгари сиёсий охиб бормоқда («Истиқом», «Алекса» навлари) районлаштирилган ва илгари сиёсий охиб бормоқда. Бу ҳол эса сугориладиган ерларда юқори ва сифатли дон ҳосилини олишга имконият таъмин қиладиган.

Хаммақабил Самарқанд вилояти туманларини қаттиқ бугдойнинг «Истиқом», «Алекса» ва «Алекс» навлари экилмоқда. Жалал тилини бу навларнинг потенциал иқлимликларини туғри фойдаланиш учун, уларнинг энг қулай, шимай асқиланиш оптимал экиш муудатлари ва меҳёрларини аниқлаш ва ўрганиш, ушбу технологик элементларни бугдой дон ҳосили ва сифатига таъсир қиладиган муҳим асосий таъсир ҳол Самарқанд вилояти туғри.

Ташкент – 2007

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚ - БЎЗ ТУПРОҚЛАРИДА ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРИНИНГ ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Н.М.Турдиева (тадқиқотчи)

Тошкент давлат аграр университети

e-mail: tsau @ uzpak.uz

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати дон мустақиллиги барқарорлигини таъминлаш борасида изчил сиёсат олиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 24 март 2003 йилги «Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари» тўғрисидаги фармони катта вазифаларни ҳал қилишни кўзда тутди. Фармонда қишлоқ хўжалигини муҳим соҳаларидан бири қаторида ғаллачиликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

Мамлакатимиз ғаллакорлари ялпи дон салмоғини ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ўтказилаётган илмий изланишлар, илғор хўжаликлар тажрибалари суғориладиган майдонларда ҳосилдорликни ўртача 60 - 70 центнер ва ундан ҳам ошириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Аммо, кейинги йилларда кўпчилик суғориладиган ерларда буғдой ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 40 - 45 центнердан ошмаяпти. Етиштириладиган доннинг сифати эса кўп ҳолларда нон ёпиш, макарон ва қандолат ишлаб чиқариш саноатининг талабларига тўлиқ жавоб бермаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири буғдой ўстириладиган минтакаларнинг тупроқ - иклими шароитларида мақбул парваришlash агротадбирларига тўлиқ риоя қилмаслик, жумладан экиш муддатлари ва меъёрлари ҳисобга олинмагани, яъни илмий асосланган етиштириш технологияларининг мукамал ишлаб чиқилмаганлигидир.

Қаттиқ буғдой навларини республикамызда экиш қуруқ ва иссиқ ҳарорат, фотосинтетик радиация йиғиндиси-юқори бўлиши натижасида донда оқсил, клейковина миқдори, яъни доннинг сифати юқори бўлишини таъминлайди.

Қаттиқ буғдой навлари юмшоқ буғдой навларига нисбатан, қурғоқчиликка, юқори ҳароратга чидамли, сариқ ва қўнғир занг ва қорақуя касалликлари билан жуда кам касалланади, пишганда бошокдаги донлари тўкилиб кетмайди.

Республикамызнинг суғориладиган ерларида қаттиқ буғдойни кузда экиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Кузда экилганда, баҳорда экилганга нисбатан кузги - қишки ва эрта баҳорги экологик шароитлардан тўлиқ фойдаланади ва баҳорда экилганга нисбатан серҳосил бўлиб эрта пишади, дони йирик бўлиб, ҳосилдорлик 40 - 50 % гача юқори бўлади. Бундан ташқари, кузда экилган буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга маккажўхори (дон ва кўк масса), соя, тарик, мош экиб, яхшигина ҳосил олиш мумкин. Кузги буғдой етиштиришнинг энг муҳим технологик усулларида бири экиш муддатлари ва меъёрларини тўғри белгилашдир. Самарқанд вилояти шароитида қаттиқ буғдой навларининг илмий асосланган экиш муддатлари ва меъёрлари қарийб ўрганилмаган. Айниқса, кейинги йилларда яратилган («Истиклол», «Макуз-3» навлари) районлаштирилган ва истиқболли жадал типдаги навларнинг ўзига хос етиштириш технологияси умуман ишлаб чиқилмаган. Бу ҳол эса суғориладиган майдонларда юқори ва сифатли дон ҳосилини етиштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда Самарқанд вилояти туманларида қаттиқ буғдойнинг «Истиклол», «Александровка» ва «Макуз-3» навлари экилмоқда. Жадал типдаги бу навларнинг потенциал имкониятларидан тўла фойдаланиш учун, уларнинг энг қулай, илмий асосланган оптимал экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш ва ўрганиш, ушбу технологик элементларни буғдой дон ҳосили ва сифатига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол Самарқанд вилояти тупроқ - иқлим шароитини, ўрганилаётган навларнинг биологик

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суғориладиган ерларда экиш муддатлари, меъёрларини қаттиқ буғдой навларининг ўсиши ва ривожланишига, қишга чидамлилигига, курук моддаларнинг тўпланишига (фотосинтетик фаолияти), қанд миқдорига, ҳосил шаклланиш жараёнларига, доннинг сифатига таъсирини ўрганиш ҳамда шунга асосланиб, амалий тавсияномалар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Ғалла етиштиришни кўпайтиришда янги серҳосил, тезпишар, ётиб қолишга, касалликларга чидамли навларни яратиш ва парваришlash агротехнологияларини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигидаги энг долзарб муаммолардан биридир.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари** Зарафшон водийсида жойлашган Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқ - бўз тупроқлари шароитида қаттиқ буғдойнинг жадал типдаги навларидан мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайдиган, энг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш ҳамда илмий асослашдан иборатдир.

Шу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар кўйилган:

- Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқ-бўз тупроқли ерларида қаттиқ буғдойнинг кузда экилган дуварак «Истиклол» ва «Александровка» навларини ер устки қисмларининг шаклланиш қонуниятларига, ўсимликларнинг қишга чидамлилигига, ҳосил структурасига, ҳосилдорлигига ва дон сифатига экиш муддатларининг таъсирини ўрганиш;

- экиш меъёрларини кузда экилган қаттиқ буғдойни жадал навларини ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлилиги, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсирини ўрганиш;

- экиш муддатлари ва меъёрларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг ўсимликларда курук моддалар ва қанд моддасининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши, буларнинг дон ҳосили ҳамда сифат кўрсаткичлари шаклланишига таъсирини ўрганиш;

- ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўрганилган ва аниқланган технологик усулларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқ-бўз тупроқли ерларида биринчи марта районлаштирилган жадал типдаги қаттиқ буғдой дуварак (икки фаслли) навларининг биологик хусусиятлари, яъни, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, қишга чидамлилиги, фотосинтетик фаолияти, дон ҳосили ва сифатининг шаклланиш қонуниятлари, экиш муддатлари ва меъёрларига боғлиқлиги ўрганилди. Мазкур минтақанинг тупроқ – иқлим шароитида навларнинг биологик хусусиятларига асосланган ҳолда, қаттиқ буғдой навларининг энг мақбул муддат ва меъёрларда экилганда ўсимликларнинг қишга чидамлилиги, дон ҳосили ва сифати ошганлиги кузатилди. Тажрибада қўлланилган технологик жараёнларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти.** Қаттиқ буғдойнинг «Истиклол» ва «Александровка» навлари 16 октябрда экилганда «Истиклол» нави гектаридан 11,4 ц, «Александровка» нави эса 9,5 ц га, экиш меъёри гектарига 4 млн уруғ бўлганда, «Истиклол» навидан 14,7ц ва «Александровка» навидан 13,0 ц юқори ҳосил етиштиришга эришилди.

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**

**С.Р. Умаров** (тадқиқотчи),

*Тошкент ирригация ва мелиорация институти*

e-mail: suhrob1979@mail.ru

Маълумки, инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, - «Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди». Шу нуқтаи назардан олганда, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг